

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАҲПУЗАҲОН ҚОБИЛЖОНОВНА**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО  
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ**

**23.00.04 - Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий  
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Сиёсий ғанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
political sciences**

<b>Юлдашева Махпузахон Қобилжоновна</b> Глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро тамойиллари ва Ўзбекистон тажрибаси .....	3
<b>Юлдашева Махпузахон Қобилжоновна</b> Международные принципы обеспечения информационной безопасности в условиях глобализации и опыт Узбекистана.....	23
<b>Yuldasheva Makhpuzakhon Kobiljonovna</b> International principles and experience of Uzbekistan in ensuring information security in globalization conditions.....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВА МАҲПУЗАҲОН ҚОБИЛЖОНОВНА**

**ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХАЛҚАРО  
ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ**

**23.00.04 - Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг сиёсий  
муаммолари**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2019.1.PhD/Ss129 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Нарзулла Қосимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраев Сайфиддин Ахматович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Юлдашев Анвар Эргашевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_»\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 16-йй. Тел.: (99871) 233-34-24; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq.ilmiy@mail.ru](mailto:sharq.ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-йй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_»\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_»\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Д.Б.Сайфуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, доцент

**О.И.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиёсий фанлар доктори (PhD)

**Р.З. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурияти.** Жаҳон ахборот майдонида ахборот-коммуникация технологияларининг такомиллашиб ва ривожланиб бориши техноген ва кибер жиноятларнинг кўпайишига олиб келди. Бу ҳолат нафақат бир давлат, балки бутун бир дунё миқёсида халқаро ва глобал ахборот хавфсизлигини таъминлашни муҳим масала сифатида инсоний ҳаёт кун тартибига қўйди. Дунё тамаддуни ҳозир шундай бир давр чизигига етиб келдики, энди давлатлараро чегаралар нафақат бизнес, савдо, фан, таълим, маданият, туризм каби соҳалар ўзаро алоқалари учун очилди, балки у террорчилик, жиноятлар, наркомания, кибер хуружларнинг кириб келишига монелик қила олмай қолди. Жамият аъзоларига салбий таъсир этувчи онлайн-мұлоқотлар, экстремистик ва террорчилик мазмунидаги интернет-ҳамгурухлар сони ҳам ошиб бориб, бу борада ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугун дунёда тадқиқотчилар, аналитиклар томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмлари, амалиётдаги самарадорлик даражаси ва халқаро муносабатдаги роли тадқиқ қилинмоқда. Шу тариқа, кибер жиноятчиликни таҳлил этиш, у ҳақда аҳоли ўртасида ахборотлар тарқатишга доир вазифалар долзарблашиб, кибер жиноятчиликка нисбатан аттитюдларни<sup>1</sup> ўрганиш, «янги» жиноятлар қурбонлари хулқларини аттитюдлар қандай мувофиқлаштиришини тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлди. Замонавий ахборот технологиялари воситасида криминал ва террорчилик мақсадларида амалга оширилаётган хужумлар оқибатида кўрилган заарлар улкан вайронагарчилик келтирувчи, қурол турига тенглаштирилган. Ахборот қуролларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган хужумлар нишонига нафақат Интернет тармоқларида ахборот ресурслари, балки давлат органлари, саноат, транспорт ва энергетика соҳалари обьектлари ҳам тортилмоқда. Ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг таъсир даражаси ва миқёси тезлик билан ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. 2014 йилда ташкил этилган БМТнинг Халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича Хукумат эксперtlари гурухи кибер макондаги жиноятчиликка қарши курашда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда XX аср охири XXI аср бошларида жаҳонда ривожланган ва ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган давлатлар каби Ўзбекистон жамиятининг транформацияси жараёнларида мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кучайди. Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги соҳасини ислоҳ этиш давлат сиёсатининг асосий ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, МДҲга аъзо давлатлар саммитида мафкуравий ва ахборот соҳаларида хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳам янги ноодатий ёндашувларни тақозо этаётгани қайд этилди.

<sup>1</sup> Аттитюд [фр. attitude вазият] – классик раксдаги асосий ҳолатлардан бири бўлиб, унда мувозанат битта оёқда саклаб турилади, бу ерда жиноятчиликда маъжозий маънода ишлатилмоқда.

2021 йилда Тошкентда Ҳалқаро эксперлар форумини ўтказиш, ахборот алмашиш учун МДХ ягона электрон платформасини яратиш ва Радикаллашувдан қайтариш соҳасидаги ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.<sup>2</sup> Ўзбекистон ахборот хужумларига нишон бўлган кибер маконга айланиб бораётганлигини назарда тутиб, ахборот хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш учун соҳадаги ҳалқаро стандартлар ва Шарқнинг ривожланган давлатлари Хитой, Япония, Ҳиндистоннинг бу соҳадаги тажрибаларини сиёсий фанлар нуқтаи назаридан ўрганиш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2003 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-560-II-сон «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-395-сон «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

---

<sup>2</sup> Ҳалқ сўзи.2020 йил, 19 декабрь, № 268(7770). Моро-Дефарж Ф. Введение в геополитику. -М.: «КОНКОРД»,1996. Wallerstein I. From Society to Historical Social Science: Prospects and Obstacles.//The British Journal of sociology. – 2000, №1. P. 25 – 36. Rattray G. Strategic Warfare in Cyberspace. - Cambridge: MIT Press, 2001. Cavalry M., Kristensen K. Introduction: Securing the Homeland: Critical Infrastructure, Risk, and (In)Security Homeland: Critical Infrastructure, Risk, and (In)Security, edited by M. D. London. Routledge, 2008.-P.33-34. Stonier Tom. Methuen London,Ltd.,1983//<https://studfile.net/preview/6063999/page:10/>, .Urry J. Sociology beyond Societies. Mobilities for the XXIst Century.-L.,N.Y., 2000;; Schmitt M., Vihul L. International Cyber Law politicized: The UN GGE's failure to advance cyber norms// Just Security, 30 June 2017. Тоффлер Э. Третья волна. - М.: ООО «Фирма «Издательство ACT», 2010. Yong Pi. New China Criminal Legislations in the Progress of Harmonization of Criminal Legislation against Cybercrime.,2001.-P.8.Тодрес В. Китай после Google - конец миссионерского капитализма. TV. Net.UA. 2010, <http://http://www.gzt.ru/column/283744.html>. Rosenau J. New Dimentions of Security. The Interaction of Globalizing and Localizing Dynamics// Security Dialogue.1994.Vol.25 . Harwit E. WeChat: social and political development of China's dominant messaging app // Chinese Journal of Communication. 2016. Vol. 10. Issue,.Мажаров И. Интернет в Китае. Мир Интернет. 2008, 2 февраля//<http://abirus.ru/content/564/581/582/591.html>.1996. Баталов С. Huawei вложит в кибербезопасность \$2 млрд. 19.12.2018 // [http://bigasia.ru/content/news/science\\_and\\_education/huawei-vlozhit-v-kiberbez-opasnost-2-mldr](http://bigasia.ru/content/news/science_and_education/huawei-vlozhit-v-kiberbez-opasnost-2-mldr). Лоуренс Репета, Абэ Феллоу. Рождение закона о свободе информации в Японии. Канагава,1982; Nicky Cappella, «Japanese government plans cyber attack institute,» The Stack, August 24, 2016, <https://thestack.com/security/2016/08/24/japanese-government-plans-cyber-attack-institute/>. Mihoko Matsubara, «Assessing Japan's Internet of Things (IoT) Security Strategy for Tokyo 2020,» PaloAlto Networks, September 19, 2016.// <http://research-center.paloaltonetworks.com/2016/09/cso-assessing-japans-internet-of-things-iot-security-strategy-for-tokyo-2020/>. Йоко Нитта. О реагировании Японии на киберугрозы 17.09.2015 г.//<https://digital.report/podhodyi-yaponii-k-kiberbezopasnosti>; Halder, D.,& Jaishankar, K. (2011b). Cyber crime and victimization of Women: Laws, Rights, and Regulations. Hershey, USA: IGI Global, Uzma Falak. India clamps down on Kashmir's online dissenters. 2012. Pandit R. Post-accident, lens jn nuclear submarine projects//Times of India.-Mar.10,2104//.cms. Saksena A.R. India Scrambles jn Cyber Securiti//The Diplomat. Jun.18,2014//<Http://thediplomat.cpm/> 2014/06/ india-scrambles-on-cyber-security/. Мелиssa Роули. Статья//<http://www.tadviser.ru/index.php>. Ярошенко С., Курбатов С. Цифровой лик Индии. 29.09.2004 г.// Недопустимый объект гиперссылки.detail.php?ID=41371.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» мавзуидаги устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот технологияларининг янги йўналишларининг кашф этилиши, уларнинг тўхтовсиз равишда такомиллашиб бориши билан бир вактда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муаммолар қўпайиб бормоқда. Мазкур муаммолар юзасидан мулоҳазалар ва уларнинг таҳлилини бугун қатор давлатлар тажрибасидан кузатишимиш мумкин. Шунинг учун диссертацияни ёзишда БМТ, бошқа халқаро ташкилотларда, ривожланган Шарқ давлатларида ахборот хавфсизлиги доирасида тадқиқот олиб борган таниқли олимлар асарлари таҳлил этилди.

«Ахборот хавфсизлиги» тушунчаси, унинг тадрижий равишда ривожланиши, миллий хавфсизликдаги ўрни, халқаро муносабатлардаги аҳамиятининг ортиб боришига доир назарий ишланмалар: А.Вебер, Ф.Моро-Дефарж, И.Валлерстейн, Г.Раттрай, М.Кавелти, К.Кристенсен, Т.Стониер, Ж.Урри, Э.Гидденс, М.Шмитт, Л.Вихул каби таниқли олимлар асарларида ёритилган. Сиёсий фанлар бўйича жаҳон мумтоз адабиёти намояндалари Э.Тофлер, С.Хангинтон, Ф.Фукуяма, П. Бьюкенен ва бошқалар ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойилларини ишлаб чиқишиган. Уларнинг асарларида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши табиий-ижтимоий, иқтисодий-сиёсий зарурат бўлиб, бу жараён жамият ва давлатнинг ривожланиш омиллари эканлиги, шунингдек, ушбу жараёнлар натижасида ахборот хавфсизлиги муаммоларининг кучайиб бориши турли далиллар билан асослаб берилган.

Хитойда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибер майдонда рўй берадиган воқеликлар: Пи Йонг, В.Тодрес, Ж.Розенау, Л.Жон, Е.Харви, И.Мажаров, С.Баталов асарларида тадқиқ қилинди. Л.Репета, А.Феллоу Н.Капелла, М.Матсубара, Й.Нитта каби олимлар асарларида кейинги ўн йилликларда Японияда ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини алоҳида соҳа сифатида такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Д.Халдер, К.Жаишанкар, У.Фалак, Р.Пандит, А.Р.Саксена, М.Роули, С.Ярошенко, С.Курбатов ва бошқа олимлар томонидан эълон қилинган илмий мақолалар тўпламларида Ҳиндистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашни ривожлантириш тажрибаси, бу соҳанинг Ҳиндистон мамлакати учун ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Уларнинг илмий ва назарий ишланмалари трансформация даврида яшаётган мамлакатларда ахборот хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар учун муҳим манбалар сифатида хизмат қилиши мумкин.

Кейинги ўн йил ичida МДХ, хусусан, Россия Федерацияси олимлари томонидан ахборот хавфсизлиги ва кибер жиноятчиликка қарши кураш

муаммоларига доир кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилди. Уларда, асосан, замонавий ахборот технологиларини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнлари натижаси ўлароқ, янги муаммолар – ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва кибер жиноятчиликка қарши курашга оид қарашлар Россия мамлакати мисолида таҳлил этилган, бу соҳадаги истиқболларга оид тадқиқотлар олиб борган олимлар: Г.А.Атаманов, А.С.Артамонова, П.А.Артамонов, Е.М.Гришанова, Я.С.Артамонова, И.А.Чиликин, А.А.Малюк, С.В.Пазизин, Н.С.Погожин, Н.А.Носов, Б.С.Сивиринов, И.Шевченко, П.Высенков, Д.Н.Шакин, С.М.Доценко, А.П.Ильин, П.С.Марголин, В.С.Пирумов С.И.Тынянкин, Г.В.Грачев, Д.В.Павлухин, В.Пашков, А.В.Крутских, А.Гребенюк, С.Бойко<sup>3</sup>ларнинг тадқиқотлари мазкур диссертация мавзусига яқинлиги билан ажралиб туради. Уларнинг тадқиқотлари обьекти ва предмети Россия мамлакатидаги воқеликлардан иборат бўлганлиги учун, уларнинг тадқиқот ва илмий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат ташқи ва ички сиёсатининг мустаҳкамланишидаги муҳим вазифалари, ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги таҳдидлар, ахборот билан ишлаш жараёнидаги айrim муаммолар Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, С.Қосимов, М.Каримов, С.Ғаниев, ва К.Тошевлар ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш муаммоларини, Н.Умарова ахборот хавфсизлигини таъминлашда замонавий коммуникация технологияларининг ижтимоий-сиёсий таъсири масалаларини, А.Юлдашев, Н.Жўраев, А.Хасановлар ахборот хавфсизлиги ҳамда унинг замон ва маконга таъсири, XXI асрда ахборотлашган жамият тақдири масалаларини, Б.Тошев ахборот маконидаги ҳуқуқий жиҳатларни тадқиқ этган бўлса, А.Назаров сиёсий тараққиёт хавфсизлиги ва барқарорлиги каби жиҳатларни, А.Қодиров, С.Отамуротов, М.Қирғизбоев, Ф.Мўминов, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Қосимова, Ш.Қудратхўжаев, А.Мўминов,

<sup>3</sup> Атаманов Г. А. Информационная безопасность: сущность и содержание // Бизнес и безопасность в России. 2007. №47. С.101-108. Артамонова Я.С., Артамонов П.А. Информационная безопасность и информационные коммуникации//T-Comm - Телекоммуникации и Транспорт, 2012, №4.- С.9-21; Гришанова Е.М., Артамонова Я.С., Чиликин И.А. Информационная безопасность и информационные коммуникации//https: cyberleninka.ru/article/n/ informat sionnaya-bezopasnost-i-informatsionnye-kommunikatsii; Малюк А. А., Пазизин С. В., Погожин Н. С. Введение в защиту информации в автоматизированных системах. Москва: Горячая линия-Телеком, 2001. Носов Н.А. Манифест виртуалистики.М.: «Путь», 2001; Сивиринов Б.С. Социальная квазиреальность или виртуальная реальность? //Институт социологии РАН//http://www.irasas.ru/files/File/Socis/2003-02/ Siviriniv \_2.pdf. Шевченко И., Высенков П. «Я» в дискурсе виртуальности // Критика и семиотика. Новосибирск, 2000. Вып. 1-2; Информационная безопасность / Д.Н. Шакин, Е.Г. Бунев, С.М. Доценко, А.П. Ильин, П.С. Марголин, В.С. Пирумов, С.И. Тынянкин. -М.: ЗАО «Издательский дом «Оружие и технологии», 2009; Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности (Теория и технология психологической защиты) Дис. на соискание д-ра психол. наук: 19.00.12: Москва, 2000. Павлухин Д.В. Теория информационной безопасности и методология защиты информации, Учебно-методическое пособие / Д.В. Павлухин. -Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина,2005. Пашков В. Информационная безопасность США // Зарубежное военное обозрение, № 10/2010. - С.24-37. Крутских А.В. Информационный вызов безопасности на рубеже XXI века // Международная жизнь,1999. №2,С-43. Гребенюк А. Аутсорсинг ИБ - краткий обзор рынка// https://www.anti-malware.ru/analytics/Market\_Analysis/Outsourcing\_Information\_Security\_overview\_of\_the\_market. Бойко С. Формирование системы международной информационной безопасности: российские подходы и инициативы// https://interaffairs.ru/jauthor /material/2021.

Н.Муратоваларнинг илмий асарларида глобаллашув шароитида юзага келаётган ахборот таҳдидлари ва уларнинг олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ахборот-коммуникация соҳасидаги сиёсатида ахборий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг устуворлиги кенг ёритилган. Диссертация ишида Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва такомиллаштиришдаги муаммолар илмий таҳлил этилган.<sup>4</sup>

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170928710-сонли «Ҳаракатлар стратегиясини бажариш даврида мамлакатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзуидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳалқаро тамойиллари асосида Шарқдаги айrim ривожланган давлатлар ҳамда Ўзбекистон тажрибасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қўйидагилардан иборат:

замонавий цивилизация шароитида ахборот хавфсизлиги муаммосини тадқиқ этишнинг мавжуд методологик жиҳатларини ҳамда глобаллашув жараёнларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир жаҳон тажрибасини қиёсий ўрганиш;

жамиятнинг виртуаллашиш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳалқаро ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

<sup>4</sup> Қосимов С. Ахборот технологиялари. –Тошкент: «Алоқачи» нашриёти, 2006. Юлдашев А. К вопросу совершенствования системы обеспечения информационной безопасности (СОИБ) Республики Узбекистан. “Жамият ва бошқарув” журнали. 2019.- №4(86) –Тошкент. Каримов М, Фаниев С, Тошев К. Ахборот хавфсизлиги асослари, –Т.:, «Алоқачи» нашриёти. 2008. Қодиров А, «Оммавий маданият»нинг маҳаллий манбаалари, Тошкент, 2017. Сайдов У, «Жамият ва бошқарув » журнали- Т.:, 2019.- №4(86). Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: «Маънавият», 2008. Хасанов А. Геосиёsat.–Тошкент:, Тамаддун. 2016. Тошев Б. Ривожланган давлатларда шахсий маълумотлар ўта маҳфий хисобланади// (Ахборот ва оммавий комуникациялар агентлигига Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ва блогерлар учун» Медиа маконида шахсий маълумотларни химоя қилиш:хуқуқий ва ахлоқий жиҳатлар»мавзууда ўтказилган семинар материаллар тўплами. hudud24/uz Тошкент. 2020 йил. Назаров А, Глобаллашув шароитида сиёсий тараккиёт хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш жараёнларининг эволюцияси. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2018 йил. Х.Дўстмуҳаммад. Ахборот мўъжиза, жозиба , фалсафа. –Т.:,Тамаддун. 2013 йил. Отамуротов С, Глобаллашув ва миллат (сиёсий фалсафий таҳлил)- Тошкент: «Янги аср авлоди», 2008, Қирғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти.–Тошкент:, Наврўз,2014,-Б.287-305. Мўминов Ф, Информационное пространство интернета:специфика, депрофессионализма перспективы//Ташкент, SAI/Society&Innovations. №1. 2020 г. Б.-62-70. Қосимова Н. Интернет журналистика асослари. Ўқув кўлланма.–Тошкент,2017. Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди. Қудратхўжаев Ш, Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш.–Услубий кўлланма.–Т.:»Ўзбекистон» 2011. Мўминов А. Ўзбекистон:ахборотлашган жамият сари. Тошкент: «Турон замин-зиё, 2013. Муротова Н, Журналистика в Интернет:особенности on-Line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка. Ташкент. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. 2010 год.

ривожланган Шарқ давлатларидан Хитой, Япония ва Ҳиндистон давлатларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги тажрибаси ва уларнинг глобал кибер макондаги ўрнини аниқлаш ва таҳлил этиш;

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-сиёсий асосларининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этиш, Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига доир хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳалқаро тамойиллари, Шарқдаги ривожланган давлатлар ва Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Шарқ мамлакатлари, Хитой, Япония, Ҳиндистон тажрибаларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва Ўзбекистонга хос миллий хусусиятларини аниқлаш жараёнларидан муносабатлар мажмуудан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, структуравий-функционал таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, анализ ва синтез, тарихийлик, ва мантиқийликнинг узвийлиги, тизимли таҳлил ҳамда фрейминг каби илмий тадқиқот усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

жаҳон «ахборот маконида» ташқи сиёсий тарғиботнинг турли манфаатли куч марказларининг муайян даражада геосиёсий қарама-қаршилигига сабаб бўлиши билан бир қаторда ўз манфаатларини инсоният онгига сингдиришга қаратилган ҳаракатлари ахборот хавфсизлигига таҳдид бўлиб, бу «очиқлик-холислик-шаффоффлик» тамойилига асосланган ҳолда жаҳон «ахборот макони» ҳолатини баҳолашнинг мухим сиёсий индикаторларидан бири эканлиги асосланган;

Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мос ташқи сиёсати тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, ахборот хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий тармоқлардан «маънавий-мафкуравий-ахлоқий» ёндашув асосида фойдаланиш ҳалқаро ахборот алмашув маконида самарали омиллардан бири эканлиги исботланган;

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг миллий стратегияси самарасини баҳолашда «маънавий-информацион, мафкуравий-иммунитет» ёндашув асосида маънавий ва ахлоқий мезонларни ишлаб чиқишининг зарурати асослаб берилган;

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг миллий тизимни ривожлантиришда илғор жаҳон тажрибаларига кўра илмий тадқиқотлар устуворлигига эришиш, кадрлар тайёрлашда замонавий ёндашув, «сунъий интеллект» орқали манфаатли лойиҳалар яратишни оммалаштириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

Шарқ мамлакатлари Хитой, Япония, Ҳиндистон давлатларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажрибасини ва миллий тажрибани қиёсий ўрганиш асосида Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва

уни замонавий хорижий тажрибалар асосида такомиллаштиришга оид илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари жамият ижтимоий, сиёсий жараёнларида хавфсизликни таъминлаш, ҳалқаро ахборот алмашув муносабатларида соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги маҳсус журнallар ҳамда хорижий илмий конференция материаллари тўпламлари, амалиётда жорий қилингани ва унинг натижалари ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация материалларидан сиёсатшунослик, ҳалқаро сиёсий муносабатлар, сиёсий коммуникация, ҳалқаро журналистика, миллий журналистика, ҳарбий журналистика ихтисослигига доир дарслклар, ўқув қўлланмаларини ёзишда, Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, ахборот хавфсизлигига доир таълим жараёнлари ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир тадқиқотларда фойдаланишда кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** хulosса ва таклифлардан тегишли вазирликлар, ОАВ фаолиятида, олий таълим муассасаларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва соҳага оид муассасалар мутахассислари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш, маъруза, амалий машғулотлар олиб бориш, тадбирлар, семинар-тренинглар ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича илмий хulosса ва таклифлар асосида:

ахборот хавфсизлигига таҳдидлар бўйича ташки сиёсий тарғиботдаги «очиқлик-холислик-шаффофлик» тамойили ҳозирги кунда жаҳондаги турли куч марказларининг геосиёсий қарама-қаршилигининг «ахборот макони»га кўчганлиги, турли «қадриятлар»ни инсоният онигига сингдиришга ҳаракати ҳалқаро алоқаларнинг муҳим сиёсий индикатори эканлиги, глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашда ижтимоий тармоқлардан «маънавий-мафкуравий-ахлоқий» ёндашув асосида фойдаланиш ҳалқаро ахборот алмашув маконида Ўзбекистон тажрибасининг муҳим омили бўлиб, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг миллий ривожланиш стратегиясининг маънавий ва ахлоқий мезонларини «маънавий-информацион, мафкуравий-иммунитет» ёндашуви асосида ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган миллий тизимни ривожлантиришда илмий-тадқиқотлар устуворлиги, кадрлар таёrlашда замонавий ёндашув, «сунъий интеллект» орқали манфаатли лойиҳалар яратишни оммалаштириш бўйича берилган илмий янгилик ва таклифлардан «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг чора-тадбирлар дастурига киритилиб, Ҳаракат фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланилди.

(«Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг 2020 йил 10 февралдаги, №169/20-сонли маълумотномаси).

ахборот хавфсизлиги муаммосининг халқаро ва миллий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни, бу жараённинг умумпланетар аҳамиятга молик хавфсизлик, минтақалараро стратегик, ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш жараёнида ахборотлашган жамиятга сиёсий, маънавий, ижтимоий таъсири, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро меъёрий жиҳатлари, Ўзбекистон шароитидаги миллий хусусиятлари Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017-2020 йилларда амалга оширилган амалий тадқиқотлар давлат грантлари лойиҳаси доирасида «Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид соловчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашнинг замонавий механизм ва технологияларини яратиш» мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилди. (2020 йил 8 январдаги 03/07-29- сон маълумотномаси). Марказнинг ҳудудий ва масофавий семинар-тренингларида, маънавият тарғиботчисига қўлланма серияси асосида «Ахборотлашган жамиятда маънавий хавфсизлик масалалари» рисоласи чоп этилиб, глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича амалий тренинглар ўтказишда фойдаланилган. Натижада, фуқароларда соғлом дунёқарашни кучайтиришга доир чора-тадбирлар самарадорлигининг ортишига эришилган;

халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлардаги мавжуд ахборот хавфсизлигига оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг 2020 йил 27 январдаги маълумотномаси). Натижада, мазкур Академия тингловчиларининг глобаллашувнинг миллий маданиятларга шиддатли таъсир этиш имконияти кенгайиб бораётгани, ушбу жиҳатлар эса аксарият ҳолларда таҳдид сифатида намоён бўлаётгани, бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масалаларига доир назарий билимлари ва амалий тажрибаларининг ортишига эришилган;

глобал ахборотлашув шароитида ахборот хуружлари кўламининг кенгайиши, халқаро тажрибаларга ёндашув, Шарқ мамлакатлари тажрибасининг соҳага доир ислоҳотлари бўйича Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Махалла» телеканали дастурларидан ўрин олган «Маърифат ёғдуси», «Журналист нигоҳида» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган («Махалла» телеканали ДУКнинг 2019 йил 27 декабрдаги 01/18-336 сонли хати ва иловаси). Натижада, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг ёритилиши миллий қонунчилик ва халқаро тажрибага оид маълумотларнинг илмий-таҳлилий тадқиқоти бўйича замонавий аудиториянинг назарий савиясининг ортишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 13 та илмий-амалий конференция ва давра сұхбатларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (шундан 2 таси хорижий нашрларда).

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, 9 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини тадқиқ этишининг методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида глобаллашувнинг халқаро ахборот майдонига таъсири тарихий ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ахборот ва ахборот жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатнинг назарий жиҳатлари очиб берилган ҳамда хуносалар келтирилган.

Тадқиқотлардан маълумки, XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида глобаллашувнинг сиёсий ва иқтисодий даражадаги таъсири геосиёсий муносабатлар, халқаро иқтисодиёт, шунингдек, жаҳон меҳнат тақсимоти, глобал транспорт тизими, савдо ва молиявий оқимлар ҳаракатига кучли таъсир этмоқда. Янги халқаро сиёсий акторлар давлат суверенитетининг анъанавий устуворликларига ўзгартиришлар кирита бошлади. Ҳозирги даврга келиб, жаҳон глобаллашуви анча кутблашган ҳолда кечмоқда. Глобаллашув энг кўп даражада коммуникация ва ОАВ соҳасига таъсир қилмоқда. Француз сиёсатшуноси Ф.Моро-Дефарж глобаллашувни барча халқаро акторлари – давлатлар, ташкилотлар, корхоналар, индивидумларнинг глобал даражада, яъни бутун бир сайёра даражасида фикрлашини тақозо этадиган (мажбур қиласидан) «хатти-ҳаракатларини тўлдирадиган» жараёндир», деб таърифлайди<sup>5</sup>. Таниқли олим А.Б.Вебернинг фикрича, глобаллашув «бутун дунёни янги коммуникациявий ва ахборот технологиялари асосида молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларнинг очиқ тизимларига жалб этишдир<sup>6</sup>. Бу билан сиёсатшунос олим глобаллашув ва ахборотни индивидуал тарздаги ўзаро белгиларини кўрсатиб ўтган. Кўриниб турибдики, ахборот жамиятини шакллантириш замонавий инсоният ҳаёт тарзининг намоён бўлиш эволюцияси сифатида кенг миқёсли ахборот технологияларини жорий этиш билан бирга, глобал ахборот кенгликларини ривожлантиришни тақозо эта бошлади. Шунингдек, баъзи олимларнинг эътироф этишича, ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ечимларини топишда ҳамон мураккабликлар сақланиб қолмоқда<sup>7</sup>. Шунинг учун ҳам тадқиқот иши ушбу масаланинг долзарблигини оширади.

<sup>5</sup> Моро-Дефарж Ф. Введение в geopolитику.-М.:КОНКОРД,1996.-С.71.

<sup>6</sup> Вебер А.Б. Актуальные вопросы глобализации// Космополис. 1999.№5.-С.7-8.

<sup>7</sup> Артамонова Я.С., Артамонов П.А. Информационная безопасность и информационные коммуникации //Т-Comm - Телекоммуникации и Транспорт, 2012, № 4.-С.11-12.

Ахборот муҳити жамият ҳаётининг амал қилиш сифати, уни ривожланиш даражаси ва хавфсизлигини белгилаб беради. Таниқли олим Г.Ретрейнинг фикрича, «номутаносиб» урушларнинг нишони давлатнинг муҳим ҳаётий нуқталари ҳисобланади<sup>8</sup>. Бу нуқталар нозик инфратузилмалар деб аталиб, уларнинг ишламай қолиши ёки йўқ қилиниши миллатнинг миллий хавфсизлиги, иқтисодий ва ижтимоий фаровонлиги учун ҳалокатли оқибатларга олиб келади<sup>9</sup>. Таниқли файласуф ва социолог Н.А.Бердяевнинг фикрича, инсоннинг вайронагарчилик қуролларини кашф этиш иқтидори техника, мисол учун тиббиёт соҳасида кашфиётлар қилишидан анча юқори туради, «техникавий кашфиётлар сирларига эга бўлган бир ҳовуч одамлар бутун инсоният устидан ўз ҳокимиютини теранлик билан ушлаб туриши мумкин»<sup>10</sup>. Давлатнинг иқтисодий ҳолати ахборот технологияларини ташкил этиш ва қўллаш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда, ахборот технологияларининг глобаллашуви натижасида бир нечта мамлакатдаги иқтисодий инқирозларни бутун бир дунёга тарқалиб кетиш хавфи пайдо бўлди.

Ҳарбий соҳада давлат тизими ва компьютер тармоқларида инсон шахсига доир ахборотларни ҳимоя қилиш даражаси тобора пасайиб бормоқда. Инсон устидан назорат қилиш, бу жараёнда ҳйила-найранглардан фойдаланиш, шахс ички сирларини сақлашнинг қийинлашиб бориши натижасида ахборот тоталитаризмининг пайдо бўлиши хавфи юзага келди. Замонавий ахборот технологияларини ҳарбий соҳага кенг қўллаш натижасида ахборот қуролларининг янги турлари кашф этилмоқда. Албатта, ахборотларнинг ўзаро курашлари ўзининг чуқур тарихига эга бўлиб, улар сиёсий ва ҳарбий кучларнинг юзма-юз тўқнашувларида қўлланиши одатга айланган. Мил.авв. VI-V асрларда қадимги Хитой саркардаси Сунь-Цзи томонидан ҳарбий ҳаракатларда қўлланган ахборот-интеллектуал усуллар ҳозирги давргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. XVI асрда яшаган Италия мутафаккири Никколо Макиавелли давлат ҳокимиютининг ахборот-психологик концепциясини ишлаб чиқиб, унда сиёсий соҳада ахборот кураши олиб боришининг асосий принципларини кўрсатиб беради.

Ахборот хавфсизлиги соҳасини тадқиқ этишда «виртуаллик», «виртуал воқелик» тушунчаларини билишга эҳтиёж сезилади. Дастрлаб АҚШ журналисти Ф.Хэммит (1993 й.) виртуалликка доир тарихий-назарий асар ёзган эди. Виртуаллик хусусиятлари ҳар қандай бошқа субъектив борлиқда ҳам учрайди<sup>11</sup>. Бу соҳадаги муаммолар ғарбдаги таниқли олимлар – Э.Тоффлер, Д.Белл, Т.Стоунерлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, «ахборот хавфсизлиги» ҳуқуқий, фалсафий, сиёсий фанлар, социологик нуқтаи назардан тадқиқ этилишидан ташқари, у техникавий фанларнинг муҳим объектларидан бирига айланди. Ахборот хавфсизлиги

<sup>8</sup> Мазкур тадқикотчининг асарлари диссертациянинг фойдалангилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>9</sup> Мазкур тадқикотчининг асарлари диссертациянинг фойдалангилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>10</sup> Бердяев Н. А. Человек и машина (проблема социологии и метафизики техники) // Путь.-1933.-№ 38. -С.24.

<sup>11</sup> Сивиринов Б.С. Социальная квазиреальность или виртуальная реальность? // Институт социологии РАН. [http://www.isras.ru/files/File/Socis/2003-02/Siviriniv\\_2.pdf](http://www.isras.ru/files/File/Socis/2003-02/Siviriniv_2.pdf).

муаммоларининг сиёсий таҳдиллари ҳозирги даврда муҳим ва жиддий аҳамият касб этиб, улар хусусий сектор, сиёсий институтлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тузилмалари, эксперт-таҳлилий уюшмаларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши натижаси ўлароқ, унга қарши таҳдидларга курашишни тақозо этмоқда. Таникли олим В.Н.Лопатиннинг фикрича, «ахборот хавфсизлиги» категорияси одамлар ўртасида ахборот–коммуникация воситалари, шунингдек, бутун бир жамият ичида одамлар ҳамда уларнинг умумий манфаатларига ахборотлар алмашинуви жараёнида катта зиёнлар етиши мумкин эканлигини англағанларидан кейин пайдо бўлди. Методологик нуқтаи назардан қараганда, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ёндашув ахборот субъектлари ва уларнинг манфаатларини аниқлашдан бошланади. Бундан ташқари, ахборот уруши моҳиятига жуда кўп омиллар таъсир қиласи, булар орасида сиёсий, иқтисодий, руҳий ҳамда ҳарбий ва ахборот омиллари ҳам бор. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда пайдо бўлган янги таҳдид ва муаммоларнинг давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ривожланиш динамикасига тўсиқ бўлиб, жамиятга ўtkазаётган таъсир даражаси очиб берилган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш нафақат бирон-бир давлатнинг, балки бутун бир жаҳон миқёсидаги энг муҳим ва жиддий долзарб масала тусини олди. Шунинг учун ахборот хавфсизлиги соҳасида миллий меъёрий ҳужжатларни ривожлантириш билан бирга, бу соҳада халқаро ҳужжатлар ҳам шаклланди. Мазкур бобда ахборот жараёнлари, электрон ҳукumatни ривожлантириш шароитида ахборот жамиятининг хавфсизлиги соҳасидаги муаммолар таҳлил этилган.

Диссертациянинг **«Глобаллашув шароитида Шарқ давлатларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тажрибаси»** деб номланган иккинчи бобида Шарқ мамлакатлари-Хитой, Япония ва Хиндистоннинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳадаги тараққиётининг асосий омиллари қиёсий-таҳлилий жиҳатдан ўрганилади.

Хитойда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўплаб ўзгаришлар юз берди. Хитой давлати халқаро анжуманларда ахборот хавфсизлигига доир масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиб, ҳар бир давлатга ўз кибер маконини ўзи тўлиқ назорат қилиши ҳуқуқини берилишини ёқлаб чиқмоқда. Хитойдаги мавжуд кибер маконни назорат қилиш усуллари уларни глобал тармоқлар ривожланишининг ғарб тажрибаларидан орқада қолишини англатмайди. Интернетни бошқаришнинг Хитой тизими илфор технологиялар воситасида ишлаб, у олимлар, ОАВ ходимлари, бизнесменлар ва хорижий инвесторларнинг айрим тоифалари учун муайян афзалликлар яратишга мўлжалланган.

Хитой давлати ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасига молиявий жиҳатдан ҳам катта эътибор бермоқда. 2019 йилда Хитой киберхавфсизлиги бозори 20 фоизга ўсади. Хитойда 2015 йилда «Миллий хавфсизлик тўғрисида», 2016 йилда «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, мазкур қонунлар ижтимоий манфаатлар ва миллий

хавфсизликка таҳдид соладиган иқтисодий, технологик ва илмий маълумотларни хорижга экспорт қилишни тақиқлади, шунингдек, тармоқ операторлари қурилмалари ва ускуналарини синовлардан ўтказиш шарт қилиб қўйилди.

Японияда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир жиддий ислоҳотлар ва ўзгаришлар XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ўрталарида бошланди. 1999 йилда Япония парламенти томонидан «Ҳокимият маъмурий органлари тасарруфидаги ахборотлардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Қисқа давр ичida бу соҳадаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ, «Шахсий ахборотларни ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, у 2005 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирди. Шу даврдан бошлаб, Японияда шахсий ахборотларни ҳимоялаш конституция, халқаро хужжатлар, Вазирлар Кабинети фармонлари, вазирликлар қарорлари ва тавсиялари, суд қарорлари асосида мувофиқлаштирилади. Япония 2001 йилда Европа Кенгашининг Кибержиноятлар бўйича халқаро конвенциясини, шунингдек, Будапешт конвенциясини имзолади. Шу даврдан бошлаб ахборот соҳасидаги жиноятларга қарши миллий қонунчилик шаклланиб, соҳага доир халқаро ҳамкорлик қилиш кучая бошлади. «Япония киберхавфсизлиги стратегияси»нинг бошқа асосий йўналишлари юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқли масалаларни ўз ичига қамраб олган. Японияда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги яна бир ўзига хос жиҳат бу- аутсорсингдан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Кўплаб компаниялар ўзларининг ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилишни ташқаридаги компанияларга буюртма сифатида тақдим этиб, уларни ишга таклиф этади.

